



Салим ДОНИЁРОВ

лойиҳа раҳбари

Фуқаролик жамияти шаклланишини
мониторинг қилиш мустақил институти

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ВА АНЪАНАВИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Ушбу мақола Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ОАВ ривожланишида интернетнинг ўрни ва аҳамияти, анъанавий ОАВда конвергенция жараёнлари, анъанавий ОАВ интернет билан ҳамкорлигининг ахборот самарадорлигига таъсири, жаҳон медиамаконида миллий ОАВ иштироки имкониятлари таҳлилига бағишланган.

В статье рассматриваются роль и значение интернета в развитии средств массовой информации, функционирующих в Узбекистане, процессы конвергенции в традиционных средствах массовой информации, влияние традиционных СМИ на интернет, информационная эффективность.

This article covers such topics as the role and importance of Internet in the development of media functioning in Uzbekistan, processes of convergence in traditional media, the impact of traditional media and internet cooperation ; the information efficiency.

Калит сўзлар: интернет, медиамакон, массмедиа, конвергенция, матбуот, телевидение, домен, сегмент, веб-сайт, трансляция, ретрансляция, портал, блогер, колумнист, жамоатчилик назорати.

Ключевые слова: интернет, медиа-пространство, масс-медиа, конвергенция, пресса, печать, телевидение, домен, сегмент, веб-сайт, трансляция, ретрансляция, портал, блогер, колумнист, общественный контроль.

Key words: internet, media space, mass media, convergence, press, print, TV, domain, segment, website, translation, retranslation, portal, blogger, columnist, public control

Бугун Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва кучли, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил кадам ташламоқда. Унинг ифодаси ўлароқ жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу жараёнлар ОАВ соҳасига ҳам тегишлидир. Мустақиллик йилларида

ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман, оммавий ахборот воситаларининг ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, соҳани тартибга солувчи ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Журналистлар профессионал фаолиятининг ишончли кафолати ва ҳимояси, ОАВ мустақиллиги ҳамда эркинлигини таъминлаш, ахборот жабҳасига бозор механизмларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида эса Ўзбекистонда медиатармоқлар жадал ривожланиб, мустақил оммавий ахборот воситалари сони муттасил кўпайиб, сифат ва сон жиҳатдан юксалиб бормоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситалари сони 1,4 мингтага етди. Унинг 970дан зиёдини босма, 100дан ортиғини электрон нашрлар (радио ва телеканаллар) ташкил қилади. Бу 1991 йилги кўрсаткичлар билан таққослаганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ сони 3,5 марта ошганлигини, босма оммавий ахборот воситаларининг 53,4 фоиз муассислари нодавлат тузилмалар ҳиссасига тўғри келишини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган тараққиётимизнинг стратегик ҳужжати — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий медиамаконимиз равнақида янги босқични бошлаб берди. Зотан, ушбу концепцияда кўзда тутилган ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилаётганилиги сўз ва ахборот эркинлиги кафолатларини кучайтириб, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини, хусусан, жамоатчилик назорати вазифасини янада самарали амалга оширишига замин яратмоқда.

Демократик давлатнинг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашдир. Айниқса, катта босимдаги ахборот алмашинуви жараёнларида бунга эришишнинг муҳим шартларидан бири — жамият ҳаётининг барча соҳаларига интернет ютуқларини изчил татбиқ этиш билан ҳам боғлиқдир. 1995 йил 29 апрелда «uz» домени рўйхатга олинганидан буён унда жойлаштирилаётган веб-сайтлар сони йил сайин ортмоқда. “ICTNEWS” журнали маълумотларига кўра, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингдан ортиқ веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, жорий йилнинг 26 апрель ҳолатига кўра, уларнинг сони 21 мингдан ошди.

Ушбу веб-сайтлар орасида, айниқса, оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилган интернет ресурслари сони ҳам сезиларли даражада ўсиб бораётгани диққатга сазовордир. Сўнгги беш йилда уларнинг сони икки баробардан ортди. Хусусан, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304тани ташкил этди. Уларнинг 95 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Интернет ОАВ сонининг ортиши табиийки, улардан фойдаланувчилар сонининг ўсиши билан ҳам белгиланади. Шу маънода, агар бундан беш йил бурун мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар 3 миллион нафарга яқин

кишини ташкил қилган бўлса, бугун уларнинг сони 11 миллионга яқинлашиб қолди. Бу эса бугун жамиятда интернет ва ундан фойдаланишнинг аҳамияти тобора ортаётганидан далолат беради. Эътиборли жиҳати, бундай ўсиш суръати сақланиб, мобиль интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам жадал ортмоқда. Бундай тенденцияларнинг барчаси анъанавий оммавий ахборот воситалари ва интернет ҳамкорлигининг янги уфқларини очмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда анъанавий оммавий ахборот воситаларининг веб-сайтлари ҳам сезиларли даражада фаоллашди.

ОАВнинг ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминланиши натижасида рақамли телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби алоқа воситалари ривожланди ва тезкор ахборот воситаси ҳисобланган интернет-журналистика шаклланди. Бу эса миллий журналистиканинг жаҳон медиамайдонидаги иштирокининг кучайишига замин яратади.

Бугунжаҳон глобал тармоқнинг тараккий этиши интернет оламида янги-янги соҳаларни пайдо қилмоқда. Кечагина «блогер» тушунчаси биз учун мавҳум эди. Бугун эса ҳар биримиз ўз блогимизни очиш ва унда мустақил равишда ахборот бериш имкониятига эгамиз. Энг муҳими, ушбу соҳанинг ҳам ҳуқуқий асослари яратилгани блогсферанинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий оммавий ахборот воситалари ва интернет ҳамкорлиги бир неча ҳолатларда кўзга яққол ташланади.

Биринчидан, анъанавий оммавий ахборот воситалари иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги, қолаверса, мамлакатимизнинг ҳар бир нуқтасида ўз мухбирларига эга эканлиги, яъни кадрлар салоҳиятининг етарли даражада мавжудлиги газета-журналлар, телеканалларнинг информацион дастурлари интернет-нашрлар учун асосий ахборот манбаи вазифасини ўтамоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг чекка бир туманидаги у ёки бу ижтимоий объектнинг ишга тушганлиги ҳақидаги ахборот дастлаб “Ахборот” информацион дастурида ёки “Халқ сўзи” газетасида ёхуд Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайтида чоп этилади; .uz доменидаги интернет нашрлар эса ререйтинг талаблари асосида уни ўз аудиториясига мослаштириб, қисқа ва лўнда шаклда етказмоқда. Яна бир муҳим жиҳат: анъанавий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган таҳлилий материаллар асосида интернет нашрлари учун **бештадан ўн**тагача янгилик эълон қилинмоқда. Қувонарлиси, буларнинг барчаси миллий медиамаконини миллий журналистлар излаб топган, қайта ишланган ахборотлар билан тўлдиришига хизмат қилмоқда. Бу ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Бугунги кунда нафақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламида, айти пайтда, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари,

тармоқ газеталари, яъни вазирлик ва идоралар нашрлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти муассислигидаги нашрлар ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилмоқда. Интернет нашрлари бундан ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мағзини, янгилигини кўрсатиб беришда фойдаланмоқда. Масалан, uzreport.uz, uzdaily.uz, gazeta.uz, norma.uz, kun.uz, daryo.uz, uz24.uz, 12news.uz ва бошқа интернет нашрлари бундай имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Тошкент шаҳри ҳокимининг жорий йилнинг 19 мартда имзолаган “Тошкент шаҳри кўчалари, бино ва иншоотларидаги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори “Тошкент оқшоми” газетасининг 1 апрель сонидида эълон қилинди. Бу қарор реклама материалларида давлат тили қоидаларига риоя этиш хусусида эди. Ушбу қарор ҳақидаги ахборот ЎзНетдаги энг муҳим хабарлардан бирига айланди.

Яна бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ҳуқуқ”, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Постда” ва “На посту” газеталарида эълон қилинаётган суд ишлари, жиноят ва қонунбузарликларга оид материаллар ҳам интернет нашрларида кенг ёритилиб, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Учинчидан, интернетнинг асосий ахборот манбаига айланиб бораётгани, қолаверса, ёшларнинг аксарият қисми интернетга мурожаат этаётгани анъанавий оммавий ахборот воситаларини нафақат интернетда ўз контентини ривожлантиришга, айти пайтда, интернет нашрларининг ахборот бериш усул ва йўналишларини ўзлаштиришга ундамоқда. Масалан, сўнгги пайтларда нафақат мустақил газета ва журналларда, балки расмий нашрларда ҳам ахборотнинг ихчамлигини таъминлашга, ортиқча қолиплардан қочишга ҳаракат қилиш кузатилмоқда. Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, мавзунинг асл маъносини ва мазмунини очиқ бериш муайян мезонга айланмоқда. “Ўзрепорт” телеканал, “Uzbekistan Today”, “Оила даврасида” газеталарида эълон қилинаётган ахборотларнинг айнан мана шундай ёндашувга эга эканлиги диққатга сазовордир. Шу билан бирга, интернет анъанавий нашрларни ҳам кун мавзуси билан яшашга, уларни жамоатчиликка етказишга ундамоқда.

Масалан, яқинда АҚШнинг Колумбия университети таҳлилчилари “Барқарор ривожланиш масалалари ечимлари тармоғи” халқаро лойиҳаси доирасида World Happiness Report-2015 рўйхатини эълон қилди. Ўзнетдаги интернет нашрларида ушбу хабарнинг кун мавзусига айланганлиги анъанавий оммавий ахборот воситаларининг ҳам бош саҳифасидан жой олишга хизмат қилди.

Тўртинчидан, интернетдан, хусусан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш барча турдаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтиришга, ижтимоийлашувига сабаб бўлмоқда. Бунда ижтимоий тармоқларда, хусусан, Facebookда турли фойдали гуруҳларнинг пайдо бўлаётганлиги, улардан ахборот манбаи сифатида кенг фойдаланилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, ушбу ижтимоий

тармоқдаги “Жамоатчилик назорати” гуруҳининг 25 минг нафарга яқин аъзоси бўлиб, ушбу гуруҳда кўтарилаётган муаммолар, келиб тушаётган саволлар uz24.uz сайти маъмурияти томонидан тегишли давлат органларига Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун асосида юборилмоқда. Келиб тушган жавоблар ахборот тариқасида нафақат ушбу сайтда, балки бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда. Бу, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги мавқеининг ортишига хизмат қилади.

Умуман, анъанавий оммавий ахборот воситалари ижтимоий тармоқларда у қадар фаол бўлмаса-да, ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан турли материаллар уюштириб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Фикримизча, гап газетхон, ўқувчининг юрагига етиб бориш, аудитория билан инглиз тилида айтганда, “feed-back”, яъни қайта алоқага чиқиш кенг жорий қилинса, оммавий ахборот воситалари ривожда муҳим аҳамият касб этарди. Бунда, албатта, ижтимоий тармоқларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарур. Бинобарин, турли маълумотларга кўра, 8 миллион нафарга яқин ҳамюртимиз ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда.

Бешинчидан, бугун миллий журналистикамизга кадрларнинг янги авлоди, яъни интернет журналистикаси йўл-йўриғини ўрганган, замонавий фикрловчи ёшлар, содда қилиб айтганда, интернет авлоди кириб келмоқда. Табиийки, бу ҳам анъанавий оммавий ахборот воситаларининг замонавий тенденцияларга мос равишда ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини мониторинг қилиш» лойиҳаси нафақат мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг интернет миллий сегментини кузатиб, таҳлил қилиб боради, балки қўшни мамлакатлар, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тенденцияларини ҳам таҳлил қилиб, ўрганиб, тегишли хулосаларни тайёрлайди.

Олиб борган таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, интернетнинг тобора ривожланиб бориши оммавий ахборот воситаларининг, хусусан, анъанавий матбуот нашрларининг конвергенциясини, яъни ўзаро уйғунлашувини кучайтирди. Эндиликда анъанавий газета босма чоп этилишидан ташқари, ўз сайтида кундалик ахборотларни бериш билан бирга, блогерлар, колумнистларнинг фикрлари, муносабатларини эълон қилмоқда, видео-аудио интервьюлар, давра суҳбатларини уюштириб, ўз интернет порталига жойламоқда. Бундан буён оммавий ахборот воситалари ривожини интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, анъанавий оммавий ахборот воситалари ўз интернет порталларининг истиқболи ҳақида кенгроқ ва чуқурроқ ўйлаши, бу борада кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаб бориши, моддий-техника базасини кучайтириши долзарб масалалардан ҳисобланади.

Замон шиддат билан ўзгармоқда, ривожланмоқда. Бундай шароитда фақатгина газетада эълон қилинган мақолаларни сайтга жойлаштириш орқали ўқувчилар қалби, онгига таъсир этиб бўлмайди, қолаверса, бу миллий ахборот макони учун фойда келтирмайди. Шу боис, анъанавий, айниқса, ҳудудий оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини интернетга жойлаштиришни мунтазам ва тезкор таъминлашга эришиш бугунги ахборот маконининг талабидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон интернет макони жадал ривожланиб, ўз жозибаси, имкониятлари билан анъанавий оммавий ахборот воситалари учун қўшимча қулайликларни яратмоқда, халққа яқинлаштирмоқда. Ўйлаймизки, матбуот ва интернет уйғунлигининг кучайиши, пировардида, юртимизда кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишига, сўз ва ахборот эркинлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Тошкент, 2011.
2. Каримов И. А. “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари ва афзалликларини бериш тўғрисида”ги Қарори. — Т., 2011 йил 30 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни. — Т., 2014 йил 5 май.
4. Итоги мониторинга региональных газет. Сборник. / Независимый институт по мониторингу формирования гражданского общества. — Ташкент, 2014.
5. Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари давлат реестри. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. — Тошкент, 2015.